

Каркассиз, енгал пўлат профиллардан тузилган аркасимон ёпмали бинолар

СамДАҚИ доц. Рахимов.А.К. Ўқитувчилар И.Ю.Эгамов ва Н.Н.Тураева

В статье приводятся материалы связанные с изготовлением и применением безкаркасных стальных арочных покрытий. А также даётся методика их расчета.

The materials are related to the production and application of frameless steel arched coatings. And also the method of their calculation is given.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон қурилиш индустриясида кўп ҳолларда турли мақсадлар учун ғиштли, шунингдек каркасли бинолар барпо этилмоқда.

Бу биноларни лойihalаш жараёни, қурилиш технологияси, биринчи навбатда анча вақтни талаб этади, иккинчидан ишчи кучи, меҳнат, машина механизмлардан ва х.к.дан фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон металлургия комбинатларида текис, ўрамли, қалинлиги $t=0,8 \div 1,5$ мм бўлган хом ашё асосида рухланган пўлат листлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бу листлардан ҳар хил кўринишдаги том ёпмалари девор ёпмалари ва бошқа профилларни тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Шу билан бирга кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарнинг ва махсус фирмаларнинг мосламаларда бу профиллар тайёрланмоқда.

Шу мосламалардан фойдаланган ҳолда тавсия этилаётган енгил пўлат профиллардан тузилган аркасимон ёпмали бинолар каркассиз бўлиб, бир неча этапда бажарилади. Биринчи босқичда 1 расмда кўрсатилган ўлчамларда тўғричизикли профиллар тайёрланади. Бунинг учун эни 620-650 мм бўлган ўрамли пўлат листлар керак бўлади. Бу профилларнинг деворчалари текис бўлиб чиқади.

Иккинчи босқичда расмда кўрсатилган профиллар ҳаракатлашуви махсус эгувчи мослама машинадан қайтадан эгилиб аркасимон бўлиб чиқади (2 расм). Бу профилнинг деворларида махсус, унинг устиворлигини таъминлаш мақсадида қабирғалар, токчасида ҳам эгилган қабурғалар кўзда тутилган. Шу қабурғачалар ҳисобига профилнинг ўлчами текис чизикли профилга нисбатан қисқирган бўлади. Аркасимон профилларнинг эгрилик радиуси ва равоқи ҳисоб китоб орқали ва талабга мос равишда танланади.